

А.А.Абдувалиев

ТАТУ Қарши филиали катта ўқитувчиси

А.И.Фаниев

ТАТУ Қарши филиали катта ўқитувчиси

З.Д.Дилмуродов

ТАТУ Қарши филиали стажёр-ўқитувчи

Д.А.Рахматуллаев

ТАТУ Қарши филиали стажёр-ўқитувчи

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ ГЕОАХБОРОТ МОДЕЛИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида туризм соҳасида геоахборот тизимларидан фойдаланиш йўналишлари ўрганилган. Рақамли иқтисодиёт шароитида туризм соҳасида геоахборот моделининг таркибий тузилиши ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, туризм соҳаси, геоахборот модели, иқтисодий категория, АКТ

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ривожланишининг замонавий шартларидан бири бўлган ахборотлаштиришда электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт стратегиясини тезкор ва тўғри амалга ошириш билан боғлиқ бўлмоқда. Жамиятда иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларни тизимли ва сифатли амалга оширишда, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини самарадорлигини оширишда рақамлаштириш иқтисодиёти долзарб масалалар қаторига киритилди.

Кейинги ўн йилликда дунё миқёсида саноат инқилоби билан боғлиқ анъанавий иқтисодиётдан рақамли иқтисодиётга ўтиш кескин суръатлар билан рўй бермоқда. Замонавий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги янги йўналишлар аввало Й.Шумпетер ғоясига асосланган инновацион иқтисодиёт, АҚШлик олим Д.Белл томонидан асосланган постиндустриал жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, Ж.Хокинснинг билимлар иқтисодиёти ёки креатив иқтисодиёт назарияси, Й.Бенклернинг “Digital Economy” деб номланган илмий ишларида келтирилган концепцияларида илгари сурилган тармоқли иқтисодиёт ҳамда Д.Тэпскотт томонидан киритилган рақамли иқтисодиётдан иборат бўлмоқда. Ўзбекистоннинг бугунги стратегик ривожланишида ҳам айнан рақамли иқтисодиёт концепцияси илгари сурилмоқда.

Рақамлаштириш бир неча йиллардан бери иқтисодий ҳамда ижтимоий тармоқлар ўсишининг асосий тенденцияси ва омили бўлиб келмоқда. Рақамлаштириш технологиялари бизнесни ҳам, мижозларга муносабатини ҳам ўзгартирди. Шу туфайли, рақамлаштириш инқилоби туризм бизнесини ҳам четлаб ўтмади.

Рақамли технологияларни жорий этиш туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини шакллантиради, бу эса

транзакция харажатларини камайтириш ва рақамли хизматлар ва платформалар иштирокчиларининг хабардорлигини ошириш орқали туризм маҳсулотининг деярли барча таркибий қисмларига тобора купрок таъсир кўрсатади.

Замонавий жамиятни ахборотлаштириш жараёнлари ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш ва оммавий тарқатиш жараёнлари билан тавсифланади. Ахборот технологиялари - бу объект, жараён ёки ҳодисанинг ҳолати тўғрисида янги ва сифатли маълумотлар олиш учун, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш воситалари ва усуллари тўпламидан фойдаланадиган жараён ҳисобланади. Шу туфали, бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида, хусусан, туризм соҳасини ривожлантирида соҳанинг барча имкониятларини ишга солишда геоахборот тизимларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Туризм фаолиятга инновацион технологияларни жорий этиш хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига ва технологик жараёнларни автоматлаштириш ва оптималлаштиришга ёрдам берди. Тармоқни рақамлаштириш имкониятлари туфайли ишлар оператив равишда ва кун бўйи ишлай бошлади, шу билан бирга инсон, вақт ва молиявий ресурсларни сезиларли даражада тежаш имконияти ҳосил бўлди. Ўз фаолиятида ахборот, рақамли ва инновацион технологиялардан фойдаланадиган замонавий туристик ташкилоти ўз ишини муваффақиятли ва даромадли олиб боради, келажакка пойдевор қўяди. Туризм бизнесига рақамли технологияларнинг киритилиши билан туристик корхоналари фаолиятида инсон ресурслари, вақт ва пулни тежаш орқали сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Бугунги кунда туризм соҳаси-интенсив ахборот фаолияти бўлиб, харидор туристик маҳсулотни турфирма ва турагентлардан сотиб олиш жараёнида, уни моддий маҳсулот сифатида намоиш этиш ва кўриб чиқиш имконияти йўқ. Турмаҳсулотни одатда олдиндан ва истеъмол жойидан анча узоқ мамлакатда сотиб олади. Туризм бозори туроператер таклиф қилган

турмахсулот хақида тушунтиришларга, тассавурларга, алоқа воситаларига ва ахборот узатилишига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда туризм бозори турли хизмат кўрсатувчиларни боғлаб турувчи алоқа маркази ҳисобланади. Туристтик маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни хизматлар ва тўловлар эмас, балки улар ўртасидаги замонавий ахборот оқимлари боғлаб туради.

Меҳмонхоналарда тунаш, автомобилларни ижарага олиш, турпакетли экскурсиялар ва самолётлардаги бўш жойлар каби хизматлар ҳам, саёҳат қилувчи истеъмолчиларга сотилмагунча улардан фойдаланиш имконияти бўлмайди. Ушбу хизматлар тўғрисидаги харажатлар, нархлар ва сифати хақидаги барча маълумотлар истимолчига АКТ технологиялари орқали узатилади ва ишлатилади. Шу туфайли замонавий сайёҳлик бизнесида АКТнинг геоахборот технологиялари туристик фирмалар ва меҳмонхона хўжалигининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Туризм соҳаси бугунги рақамлаштириш жараёнида геоахборот тизими фаолиятидан тобора кўпроқ фойдаланидиган тармоқлардан бирига айланмоқда. Шунини ҳисобга олиб, рақамлаштириш жараёнида туризмда геоахборот тизими иқтисодий категория сифатидаги фаолиятини таъминловчи ахборот, дастурий-тахлил таъминот, техник қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш компоненталардан ташкил топган қуйидаги геоахборот моделининг таркибий тузилиши ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Туризм соҳаси геоахборот моделининг таркибий тузилиши¹

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Туризм соҳаси геоахборот моделининг таркибий тузилиши ва компоненталари қуйидаги операцияларни бажариш имкониятини беради:

Туризм соҳаси бугунги рақамлаштириш жараёнида геоахборот тизими фаолиятдан тобора кўпроқ фойдаланидиган тармоқлардан бирига айланмоқда. Шунини ҳисобга олиб биз томонимиздан ишда туризм соҳаси геоахборот моделининг таркибий тузилиши ишлаб чиқилди ҳамда мазкур моделнинг компонентларини таъминловчи операцияларни бажариш имкониятлари ҳам таклиф қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тухлиев И.С., Абдухамидов С.А. Геоахборот тизимида туристик-рекреацион салоҳиятни баҳолашнинг назарий ва амалий асослари / “Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва ролини ошириш муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси. –Самарқанд. -2019, б. 58-62.

2. Хайитбоев Р., Абдухамидов С.А. Минтақа геоахборот тизимида туризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойиллари / “Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва ролини ошириш муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси. -Самарқанд. -2019, б. 79-84.

3. Шумпетер Й. А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.: Эксмо, 2007. 862 с.

4. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. М.: Academia, 1999. 956 с.

5. Akhmedov, V. A. (2022). Using of Information Teaching Technologies in the Teaching Physics in Higher Education. *NeuroQuantology*, 10(10), 524-536.

6. Howkins J. *The Creative Economy: How People Make Money from Ideas*. London: Penguin, 2001.

7. Benkler Y. The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom. New Haven, Conn: Yale University Press, 2006. 515 p.